

JHC-877
2011.2

UZBEKISTON

TARIXI

2/2011

HISTORY OF UZBEKISTAN







2
2011

Jurnalga 1998-yil
iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt
marta chiqadi

© O'zbekiston
Respublikasi Fanlar
akademiyasi

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал


Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
20 йиллигига бағишланади

Мундарижа

- Султонмурод Олим. Истиқлол ва маънавий-
маърифий мерос 3
- А.Сандов. Ўзбекистонда икки палатали
парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши 10
- А.Қодиров. Дунё хўжалиги глобаллашуви
шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг
модернизациялашуви ва ривожланиши 18
- Ш.Рахматуллаев. Мустақиллик йилларида
Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришлар:
тенденциялар, баҳолар ва асосий натижалар 26
- Э.Сейтхалилов, А.Дониёров. Мустақиллик
даврида Ўзбекистонда профессионал таълим
ривож тарихига доир 38
- А.Яхъева. Мустақиллик даврида
Ўзбекистон Қуролли Кучларининг
шаклланиши тарихидан 50
- М.Рахимов. Жаҳон тизими ўзгаришлари
шароитида Ўзбекистон Республикасининг
халқаро муносабатлари 58

Ёш тадқиқотчи минбари

- З.Абдуганиева. Ўзбекистон Республикаси ва
ЮНЕСКО ўртасидаги самарали ҳамкорлик
тажрибаси (68)
- К.Ташматова. Ўзбекистон – Хитой: йигирма
йиллик самарали ҳамкорлик 74



**Посвящается 20-летию независимости
Республики Узбекистан**

Содержание

Султонмурод Олим. Независимость и духовно-просветительское наследие	3
А.Саядов. Формирование и развитие двухпалатного парламента в Узбекистане	10
А.Кадыров. Модернизация и развитие экономики Узбекистана в условиях глобализации мирового хозяйства.....	18
Ш.Рахматуллаев. Экономические преобразования в Узбекистане в годы независимости: тенденции, оценки и основные результаты.....	26
Э.Сейтхалилов, А.Дониёров. К истории развития профессионального образования Узбекистана в период независимости	38
А.Яхьяева. Из истории формирования Вооруженных Сил Узбекистана в период независимости.....	50
М.Рахимов. Международные отношения Республики Узбекистан в условиях трансформации мировой системы	58

Трибуна молодого исследования

З.Абдуганиева. Опыт успешного сотрудничества Республики Узбекистан и ЮНЕСКО.....	68
К.Ташматова. Узбекистан – Китай: двадцать лет плодотворного сотрудничества	74

Тахрир хайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)
Равшан Абдуллаев
Мируэрт Абусентова
(Козогистон)
Омонулла Бўриев
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Ўткир Исломов
Мирсодиқ Исҳоқов
Элёр Каримов
Зоя Орифхонова
Эдвард Ртвеладзе
Ильза Сиртаутас (АҚШ)
Рустам Сулаймонов
Маргарита Филианович
(бош мухаррир ўрғибосари)
Темур Ширинов
Нозим Ҳабибуллаев
Шоира Асадова
(масъул қоғиб)
Т. Гез (мукова дизайнери)

Манъалиминиз:

100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Телефон: 262-38-73.

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 0051
Теришга берилди 10.11.2011.
Босишга рухсат этилди 05.12.2011.
Козог бичими 70x100^{1/16}
Тайме гарнитур.
Офсет босма. Офсет коғози.
Хисоб-нашриёти т. 5,28.
Шартли босма т. 6,61.
354 нусха. Буюртма № 1440.
Келишилган нархда
«Sano-standart» МЧЖда чоп этилди.
Тошкент ш., Широк кўчаси. 100.

Султонмурод Олим

ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ МЕРОС

«Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётӣ қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади»¹.

Маълумки, ўзбек халқи бир юз ўттиз йил мобайнида миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, аввал Россия империяси, сўнг эса совет мустамлака асоратида яшади.

Бу даврда халқнинг жаҳон тамаддуни (цивилизацияси) раванқига улкан ҳисса бўлиб қўшилган бағоят бой тарихи беаёв топталиб, ўзбек халқи маънавий-маданий меросдан тўла баҳраманд бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Меросга муносабатда тамоман мустамлакачилар нуқтаи назари ҳукмронлик қилди. Коммунистик мафкура ўз чиғирғидан ўтган асарларнигина ўрганди, уларни ҳам ғаразли мақсадларига мослаб, аксарият ҳолларда хато талқин этди. Ўзбек миллий урф-одатлари, халқ анъаналарига қарши сурункали кураш уюштирилди. Миллийликни йўқотиш амалда замонавийлик, илғорлик тарзида улуғланди. Халқ ўз аждодлари анъаналари асосида яшашга, лоақал, тўй-маросимларини кўнгилдагидек ўтказиш имконига эга бўлмади. Миллий байрамлар, оилавий маросимлар яширинча ўтказилар, ҳукмрон сиёсат бундан хабар топса, очик-ошкор жазо чоралари кўрар эди.

Коммунистик сиёсат, энг аввало, миллатнинг зиёлиларига қарши ҳужум бошлади². Халқни айнан ақлли, тафаккури кучли вакилларидан жудо қилишни ўзининг асл мақсади янглиғ билди. Инқилоб баҳонасида бойларни синф сифатида йўқотиш шиори остида мамлакатнинг не-не ақлли, кучли, тадбиркор, дунё кўрган одамлари бегуноҳдан-бегуноҳ қирғин қилинди. Сўнг эса Сталин қирғинлари даврида амалда ана шу янги сиёсатга хизмат қилиб турган қанчадан-қанча зиёлилар ҳам бесабаб қатағонга учради. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва бошқалар ана шу қатағон қурбонлари бўлдилар.

¹ Каримов И.С.О.М. Юсак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 29-30-бетлар.

² Хасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – начала 50-х годов. Ташкент, 2000. – 202 с.

Ўтган асрнинг 80-йилларида “�збеклар иши”, “Пахта иши” деган сохта номлар остида Ўзбекистонга нисбатан юрғизилган сиёсат натижа-сида бирмунча оилалар азиат чекди, халқнинг ғурури топталди.

Таълим-тарбия, ахлоқ-одоб борасида халқнинг тийнати (ментали-тети), асрлар мобайнида шаклланган ўзига хос жиҳатлари мутлақо ино-батга олинмади, ёшларни ўзбек тилидан ор қиладиган этиб тарбиялашга уринилди.

Мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизими одамлар эркини бўғиб, уларда ижодкорлик, бунёдкорлик, интилувчанлик фазилатларини йўқотди, ўзбек халқи онг-шууридан Ватан тушунчасини сиқиб чиқаришга ҳаракат қилди.

Истиқлол Ўзбекистон олдига мустақил миллий давлат тузиш, эски тузумдан тамоман воз кечиб, янги – бозор иқтисодига асосланган ҳуқуқий демократик жамият барпо этишдек икки муҳим вазифа қўйди.

Эски тузум ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслиги, унинг маф-кураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ҳисобга олиб, етти ўлчаб, бир кесишга амал қилинди. Бу одамлар онгида маънавий зиддият пайдо бўлмаслигини таъминлади.

Аввал ижтимоий муносабатларнинг зарур асосини, заминини, пойдеворини куриб олишга, шу тарих одамларнинг эски тафаккури қолдиқларидан воз кечишга эришишга ҳаракат қилинди. Бундай сиёсат натижасида бирин-кетин маънавий-маърифий ютуқлар қўлга кира бор-ди.

Тарихга муносабат кескин ўзгариб, бу борада тамоман янгича муно-сабат шакллантирилди, ўтмишга халқнинг пойдевори, унинг келажагини таъминлаб берувчи қадрият сифатида қараладиган бўлди ва тарих бугу-нимиз ва келажагимиз учун чинакам сабоққа айланди³. *Халқнинг тари-хий илдизлари қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади*, деган оқилона ақидага амал қилинди. Уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги та-рихи илмий асосланган концепцияга эга бўлди⁴.

Коммунистик мафкура тақиқлаган қанчадан-қанча асарлар тадқиқ этилди. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Носириддин Рабғузий, Сўфи Аллоҳёр, Ҳувайдо ва бошқа кўплаб ижодкорлар мероси чоп этил-ди, бу асарлар таҳлиliga бағишланган илмий тадқиқотлар яратилди.

Ўз асарлари билан бутун дунёга машхур бўлган ўзбек халқининг олим ва алломалари яратган муқаддас мерос тикланди. Таваллуд тўйла-

³ Тарих шохидлиги ва сабоқлари//Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон мил-лий бойликларининг ўзлаштирилиши. Тошкент: Шарқ, 2001. – 464 б.; Ш о н и ё з о в К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001. – 464 б.; История государственности Уз-бекистана. Вторая половина II тысячелетия до нашей эры - III век нашей эры. Ташкент: Т. I. Ўзбе-кистон, 2009. – 560 с.

⁴ Ўзбек давлатчилиги тарихи концепцияси// Ўзбекистон тарихи. 1999. 1-сон. 31-34-бетлар.

ри муносабати билан 1991 йил “Алишер Навоий йили”, 1994 йил “Мирзо Улуғбек йили”, 1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Баҳоуддин Нақшбанд (1993), Феруз (1994), Имом Бухорий (1998), Аҳмад Фарғоний (1998), Жалолиддин Мангуберди (1999), Ажиниёз Қўзибой ўғли (1999), Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий (2000), Абдулхолик Ғиждувоний, Ғафур Ғулом (2003), Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий (2004), Ойбек (2005), Абдулла Қаҳҳор (2007), Мақсуд Шайхзода (2008), Муҳаммадризо Огаҳий, Ҳамид Олимжон (2009) ва бошқа буюкларимиз таваллудлари тўйлари кенг миқёсда нишонланди. Бухоро, Хива (1997) ва Термизнинг (2000) 2500, Қаршининг (2006) 2700, Марғилоннинг (2006) 2000, Самарқанднинг (2007) 2750, Тошкентнинг (2009) 2200 йиллик юбилейлари ўтказилди. “Алпомиш”нинг (1999) 1000, “Авесто”нинг (2001) 2700 йиллигини тантана қилинди. Бу саналарнинг нишонланиши халқимизнинг чинакам байрамига айланиб кетди.

Ислом таълимотини ривожлантириш борасида кўп ишлар қилинди. Қуръон таржимаси, Имом Бухорий саралаган тўрт жилдлик “Ҳадис”лар мажмуи, қанчадан-қанча диний китоблар босилиб чиқди. Диний-маърифий руҳдаги “Ҳидоят”, “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, “Нақшбандия” журналлари нашр этиляпти. Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолик Ғиждувоний таваллудлари тўйи муносабати билан меъморий мажмуалар бунёд этилди. Тошкентдаги Ҳазрати имом мажмуи таниб бўлмас даражада янги қиёфа касб этди, бу ерда янги-янги иморатлар қад ростлади (2007). Бу муқаддас жойлар ислом оламининг энг мўътабар зиёратгоҳларидан бирига айлантирилди. Ўрта Осиёдаги энг йирик ибодатгоҳ – Бухоройи шарифдаги масжиди Калон батамом қайта таъмирланди. Ўрта махсус таълим муассасаси бўлган мадрасалар ва Тошкент ислом институти(олий маъҳад)да диний мутахассислар тайёрланяпти. 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университети ташкил этилди, унда дунёвий ва диний билимларга эга замонавий мутахассислар тайёрланяпти. Рамазон, Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Ҳаж ва умра зиёратлари учун жуда қулай шароитлар яратилди. Мустақилликнинг ҳар йилида ўртача беш мингдан ошиқ мусулмон ҳаж зиёратини адо этипти. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO)томонидан 2007 йили Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрига Ислом маданияти пойтахти деган ном берилиши “ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо”⁵ бўлиб, мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеа бўлди.

⁵ Президент Ислом Каримовнинг “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси// Тошкент ислом маданияти пойтахти. Тошкент, 2007. 7-17-бетлар.

Ўзбек тили тамоман янги даражага кўтарилди. Истиклол йилларида давлат тили сифатидаги мавқеи ошиб сиёсат тилига айланди, у муттасил бойиб, такомиллашиш жараёнини бошлади. Ўзбек тилида чиқаётган газета, журнал, китоб ва бошқа нашрларнинг, радио ва телевидениенинг тили кун сайин сайқалланиб, жило топаётгани, халққа яқинлашаётгани қувонарли хол.

Ўзбек халқининг миллий урф-одатлари эркин ривожланиш йўлига кирди. Уларга миллатнинг миллатлиги, халқнинг халқлигини намоён этувчи қадриятлар сифатида қараш пайдо бўлди. Тўй-маросимлари, оилавий расм-русумлари ҳам қадим анъаналарига, ҳам замонага мос равишда такомиллаша борапти.

Умумхалқ байрамлари – Янги йил, Хотин-қизлар куни, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Конституция қабул қилинган кун, Рамазон ва Қурбон хайитлари мамлакатимиз ва халқимиз руҳига мос тарзда нишонланапти.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга, уни миллий анъаналаримиз ва бугунги илғор замон талабларига жавоб берадиган янги бир поғонага кўтаришга киришилди. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилиниб, 1997 йилдан буён уни ҳаётга татбиқ этиш жадал олиб бориляпти. Истиклол йилларида талай янги олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, умумтаълим мактаблари ташкил этилди, қурилди, эскилари замон талаблари асосида таъмирланди, қайта реконструкция қилинди. Бу жараён жадал давом этапти. Ўзбекистонлик йигит-қизлар дунёнинг илғор давлатларида таълим оляпти, малака оширяпти. Таълим тизимини ислоҳ қилишга онгни ўзгартириш, янги замон кишисини тарбиялаш воситаси, яъни ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий омили сифатида қаралаяпти.

Халқнинг руҳи тикланди, миллий ғурур, ватанпарварлик, фидойиликнинг мазмун-моҳияти батамом ўзгарди, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўзини шу Ватаннинг фарзанди деб ҳис қилиши кучайиб борапти. Давлатимиз рамзлари – Байроқ, Герб, Мадҳиянинг аҳамияти ортиб, улар кишиларимиздаги Ватанга садоқат ҳис-туйғулари ифодачиси бўлиб борапти.

Бугунги кунда халқимизнинг миллий мероси, аввало, қонунлар орқали муҳофаза қилинади.

Миллий меросни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар (кенг маънода бунинг таркибига қонуности ҳужжатлари ҳам қиради) иккига бўлинади:

- халқаро қонунлар;
- миллий қонунлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида “*Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.*

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида”⁶эканлиги қайд этилган.

Бир халқ яратган ва аждодлардан авлодларга қолдирилган бойликлар *миллий мерос* деб аталар экан, Ўзбекистон халқи яратган мерос том маънода *миллий меросдир.*

Ўзбек халқининг миллий мероси Конституцияда тарихий, маънавий ва маданий меросга ажратилган.

Тарихий меросга мамлакат ҳудудидаги қадим шаҳарлар ёки уларнинг қолдиқлари, Ер ости қазилмаларида топилган қадимий буюмлар, санъат асарлари, ишлаб чиқариш қуруллари, эски замонларда яратилиб, ҳозиргача сақланиб қолган меъморий обидалар ва ҳоказолар киради.

Маънавий мерос деганда халқнинг тили, дунёқараши, урф-одатлари, маросимлари, анъаналари, байрамлари, қадриятлари, ахлоқий қарашлари, диний эътиқод ва удумлари ва ҳоказолар тушунилади.

Маданий мерос тил, адабиёт, санъат асарлари, кийиниш маданияти, урф-одат, анъана, қадриятлар, илм-фан соҳасида яратилган тадқиқотлар, китоблар, кашфиётлар, ишланмалар, ихтиролар, янгиликлар ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида Фан, таълим ва маданият масалалари билан шуғулланадиган ЮНЕСКО ташкилоти бор. Умумбашарият меросини асраб-авайлаш бу ташкилотнинг бевосита вазифалари сирасига киради. Шунинг учун ҳозирги пайтда ЮНЕСКО-нинг мана бу беш ҳужжати халқаро микёсда амал қилиб келяпти:

– *Ҳарбий можаролар пайтида маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция* (1954 йил, 14 май);

– *Маданий меросни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва мулкни бошқаларга беришнинг олдини олиш ва тақиқлаш тўғрисида Конвенция* (1970 йил, 14 ноябрь);

– *Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни сақлаш тўғрисида Конвенция* (1972 йил, 16 ноябрь);

– *Сувости маданий меросни сақлаш тўғрисида Конвенция* (2001 йил, 6 ноябрь);

– *Номодий маданий меросни сақлаш тўғрисида Конвенция* (2003 йил, 17 ноябрь).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 10-бет.

2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли қарорида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига вазифалар қаторида “*халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишига қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиши*” ҳам топширилган эди. Бу эса айнан шу меросга суянишни англатади.

Қарорда Республика Маънавият тарғибот марказига бешта вазифа юклатилган бўлиб, шундан тўрттасида бевосита меросга дахлдорлик бор.

Биринчи вазифа – “*маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш*” дан иборат.

Иккинчи вазифада “*миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиқ бериш*” кўзда тутилган.

Тўртинчи вазифа таркибида эса, жумладан, куйидаги сўзларни ўқиймиз: “*Ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий гуруҳ, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услуглар орқали сингдириш, аجدодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш*”.

Бешинчи вазифада ҳам бевосита мерос билан боғлиқлик бор: “*Юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуг қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш*”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008) китобида Марказий Осиёда туғилиб ўсган, жаҳон илму фани, маънавияти, адабиёти ва санъати равнақиға муносиб ҳисса қўшган 46 нафар буюк зотнинг номи шарифи тилға олинади. Мустақиллик йилларида улар ҳаёти ва фаолиятини, меросини ўрганиш – бу буюк хотирасини абадийлаштириш борасида амалға оширилган ишлар сифатида санаб ўтилган.

Муаллиф Рўдакий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Махтумқули, Абай, Тўктагул, Абдулла Авлоний, Абдурауф

Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Фафур Гулом, Абдулла Қаххор, Зулфия, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов номларини маънавий мерос яратган буюк қалам соҳиблари янглиг тилга олади, улар ҳаёти ва ижодига муносиб баҳо беради.

Муаллиф наздида энг буюк жасорат – маънавий жасорат. Маънавий жасорат намунасини кўрсатган уч шахс – Яхё Фуломов, Зулфия ва Озод Шарафиддинов ҳақида алоҳида тўхталади. Китобда Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Исҳоқхон Ибрат, Лутфихоним Саримсокова, Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроевлар номлари ҳам фахр билан зикр этилган.

Шахсга ҳам, миллатга, халққа ҳам, аввало, маънавиятига қараб баҳо берилади. Чунки маънавият – инсоннинг инсонийлигини белгилайдиган, уни бошқа жонзотлардан устун қилиб турадиган жамики фазилатлар мажмуидан иборат.

Инсоннинг қўли ва ақли билан яралган моддий мерос ҳам халқнинг юксак маънавиятидан дарак беради.

*“Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилган...”*⁷. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон тамаддунида муносиб ўринга эга эканлиги эътирофидир.

Шундан ҳам кўришиб турибдики, мозийга юз тутишнинг бошланиши амалда маънавиятга муносабатнинг ўзгарганидан далолат беради.

Истиклол туфайли халқ бой миллий меросига эга бўлди, уни бугуни ва келажаги учун буюк таянч деб билди, ундан фахрланиб, ғурурланди, шу тариқа юксак маънавиятини шакллантириб, дунёга намоён этди.

Султонмурод Олим

НЕЗАВИСИМОСТЬ И ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЕ НАСЛЕДИЕ

Статья освещает процесс возрождения богатейшего духовно-просветительского и культурного наследия народа Узбекистана в контексте независимого развития нашей страны. На основе использования трудов Президента Ислама Каримова автор размышляет о важности достижения республикой государственной независимости как фактора роста интереса к многовековому духовно-просветительскому наследию узбеков.

⁷ Каримов И. Слом. Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 30-бет.

Sultonmurod Olim

INDEPENDENCE AND THE ATTITUDE TO SPIRITUAL-ENLIGHTENING HERITAGE

The topic of the article is very actual nowadays – the attitude of the people of Uzbekistan to its spiritual-enlightening heritage in the context of the independence of the Republic of Uzbekistan. Using the works of the president Islam Karimov the author analyses the importance of the state independence as the factor of growth of interest to many centuries spiritual-enlightening heritage of Uzbeks.

A. Саидов

ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ўтган тарихан қисқа давр ичида аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари қарор топишига қаратилган сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Бу борада олиб борилган ишлар орасида миллий парламент тизимини шакллантириш ва парламентаризмни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати муҳим аҳамият касб этди. Демократиянинг улкан ютуғи ва ҳуқуқий давлатнинг муҳим ижтимоий-сиёсий институти ҳисобланган Парламент давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида халқчилликни таъминлашга хизмат қилади.

“Парламент – бу жамият ҳаёти ўзининг ёрқин аксини топадиган кўзгу¹, - деб айтган эди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов. -Демак, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонадилар”.

Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида

¹ Каримов Ислон. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. Т.13. 171-бет.

“Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг обрўси – бу республика парламентининг обрўси, пировард натижада эса – бутун мамлакатнинг орзуси”,² деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистонда 20 йил ичида парламентаризмни шакллантириш мустақил ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш бўйича ҳокимият ваколатларини конституциявий принцип асосида тақсимланишидан иборат таркибий қисми бўлиб келди. Парламентаризм ҳокимиятнинг таркибий ва функциявий принципи, қонун устуворлигига асосланган давлат ҳокимияти органларини ташкил этишнинг алоҳида тизими бўлиб, унда парламент ижтимоий адолат ва ҳуқуқ тартиботини тасдиқлаш ва ривожлантириш максадларида энг муҳим роль ўйнайди.

Жаҳонда парламентаризмнинг ҳаммабоп модели – давлат бошлиғи, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатларнинг модели мавжуд эмас. Парламентаризм ва сайлов тизимининг у ёки бу моделини тўғри танлаш ҳар бир мамлакатнинг тарихий анъаналари ва миллий ўзига хослигига боғлиқлиги шубҳасиздир. Парламентаризмни ривожлантиришга мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва давлат бошқаруви тизимини модернизациялашнинг таркибий қисми сифатида қараш керак. Ўзбекистонда парламентаризм ҳар бир босқичда мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва муайян институционал ўзгаришларга таянган ҳолда ривожланиб борди.

Ўзбекистонда парламентаризмнинг ривожланишини икки босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич – 1991–2000 йиллар – вакиллик органларининг шўролар тизимидан замонавий демократик парламентаризмга ўтиш босқичидир. Ҳуқуқий тизимни янгидан яратишга мажбур бўлган, парламент маданияти эса паст савияда бўлган мамлакат учун парламентнинг шаклланиши йирик сиёсий-ҳуқуқий воқеа бўлганлиги шубҳасиздир. Бу босқичда парламент томонидан мустақил ҳуқуқий давлатчилик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик сиёсий тизим ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича улкан қонун ижодкорлиги иши бажарилди.

Ўзбекистондаги парламентаризм узил-кесил белгилаб қўйилган, қотиб қолган тизим эмас. Парламент соҳасидаги ислохотлар буни яққол намоён этади. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон кучли демократик парламентсиз ҳеч қачон демократик гуллаб-яшнайдиган мамлакат бўла олмайди.

² Каримов Ислом. Жаҳон инкирозининг оқибатларини снгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. Т.18. 122-бет.

Иккинчи босқич 2001 йилдан бошланади – бу икки палатали парламентнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичидир. Икки палатали парламентга ўтиш ғояси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2000 йилнинг бошидан илгари сурилган эди. 2002 йилнинг 27 январида бўлиб ўтган умумхалқ референдуми 2005 йилдан бошлаб икки палатали парламентни шакллантириш ғоясини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Икки палатали парламентга ўтишнинг асосий сабаблари қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

биринчидан, мамлакатда профессионал парламентга ўтиш учун реал сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа зарурий шарт-шароитлар етилди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида барча депутатларнинг доимий асосда ишлашлари учун объектив шарт-шароитлар яратилмаган бўлса, ҳозирги пайтда профессионал асосда ишлаш учун тайёр профессионал сиёсатчилар ва қонуншуносларнинг етарли қатлами мавжуд;

иккинчидан, шўролар вакиллик тизимида Ўзбекистонда тўла-тўқис барбод берилди. Хорижий мамлакатларнинг парламентаризм соҳасидаги тажрибасидан ижобий фойдаланилган ҳолда қонун чиқарувчи ҳокимият мустақамланди, миллий парламент аъналари ривожланди;

учинчидан, кўппартиявий тизим ҳамда замонавий парламентаризмнинг асосий шакл-шамойиллари, жумладан партия фракциялари яратилди;

тўртинчидан, сиёсий партияларнинг тегишли сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган электорат- сайловчилари шаклланди;

бешинчидан, икки палатали парламентга ўтиш учун тегишли қонунчилик базаси яратилди;

олтинчидан, икки палатали парламентни ташкил этиш қабул қилинаётган қонунлар сифатини яхшилаш, минтақаларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига таъсирини кучайтириш, қонуншунослик жараёнини демократлаштириш, шунингдек ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасидаги янада барқарор мутаносибликни таъминлашга қаратилган эди.

Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, “биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига – мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди”³.

³ Ўша жойда. 126-бет.

Икки палатали парламент шаклланиши ва ривожланишининг яқунлари нимадан иборат? Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятининг қуйидаги асосий яқунларини кўрсатиб берди:

Биринчидан, бир тарафдан, парламентнинг профессионал орган сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси, иккинчи тарафдан – ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар муваффақиятли ҳал этилди.

Иккинчидан, мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган 250 тадан зиёд қонун қабул қилинди. Қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди.

Учинчидан, сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ортди. Қонунчилик палатасида биринчи марта парламентдаги кўпчилик – уч партия фракцияларини бирлаштирган Демократик блок ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси тимсолида парламентдаги муҳолифат ташкил топди.

Тўртинчидан, қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Бу қонунчилик чоралари 2009-2010 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини муваффақиятли амалга оширишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш имконини берди.

Бешинчидан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Бу йўналишда 58 та қонун қабул қилиниб, уларга мувофиқ жиноий жазолашнинг жаҳонда энг инсонпарвар, либерал тизими яратилди, адвокатура институти ислоҳ қилинди, суд қарорларининг ижроси тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди. 2008 йил 1 январидан бошлаб мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, одил судловнинг “Хабеас корпус” демократик институтини жорий этадиган, яъни фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисидаги қонунлар бутун дунёда улкан ижобий акс-садо берди.

Олтинчидан, фуқаролик жамияти институтларини мустақамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини янада де-

моқратлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Бу борада “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ва “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Президент Ислом Каримов ўзининг дастурий маърузасида икки палатали парламентни шакллантиришда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда қуйидаги “аввалги парламентимиз фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмасдан қолган имкониятлар”⁴ни кўрсатиб ўтди:

1. Қонунчилик палатаси фаолиятида қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслиги.

2. Иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишида депутатлар корпусининг сусткашлиги ва етарлича фаоллик кўрсатмаётгани.

3. Қабул қилинаётган қонунларнинг тизимсизлиги ва кодификациялашиш мазмунига эга эмаслиги, такрорларга йўл қўйилганлиги, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўплиги, бу эса қонун ҳужжатлари қўлланилишини сезиларли даражада қийинлаштириши ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини пасайтиришга олиб келиши.

4. Парламент фаолиятининг депутат назорати, парламент эшитуви, парламент ҳисоботи каби самарали шакллардан бўш фойдаланилаётганлиги.

5. Депутатларнинг ўз сайлов округларида тизимли фаолият олиб бормасликлари.

6. Депутатларнинг ўз сайловчилари билан учрашувларининг номигагина ўтказилиб, фақат шикоят ва саволларга жавоб қайтариш билан чекланиши.

7. Қуйи ва юқори палаталар амалий фаолиятларининг дастлабки даврида аксарият ҳолларда ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши билан боғлиқ бўлган муаммолари.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолиятини талабчанлик билан танқидий баҳолагани ҳолда сифат жиҳатдан янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда фаолият олиб бора-

⁴ Ўша жойда. 131-бет.

диган икки палатали парламент фаолиятининг энг муҳим йўналишлари ва асосий вазифаларини белгилаб берди. Мамлакатни модернизациялаш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида парламент фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидаги вазифалар белгилаб берилди.

Биринчи вазифа – “иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни”⁵ таъминлаш.

Ҳокимият ваколатларини реал тақсимланиши конституциявий принципига мувофиқ парламентнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини янада кучайтириш масалаларига эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, улар ўртасида рақобат курашини кучайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Қонунчилик палатаси партиялараро жиддий ва профессионал мунозаралар, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини ошириш, парламент ролининг, унинг мамлакатда юз бераётган демократик ислоҳотларга таъсирини кучайтиришга йўналтирилган ғоя ва дастурларнинг кураш майдонига айланиши керак. Бунда сиёсий партиялар “умумий гаплардан” амалий фаолиятга ўтишлари: “муқобил, рақобатдош лойиҳалар ва ҳар қайси партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазифаларини ўзида мужассам этадиган дастурлар”ни тақдим этишлари лозим.

Иккинчи вазифа – парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан “парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлар назоратини ўрнатишдан иборатдир”⁶.

Бугунги кунда, афсуски, Қонунчилик палатаси ва Сенатда бу борадаги ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаган, деб таъкидласа бўлади. Чунки, парламент ҳисоботларини эшитиш умумий, кўпроқ танишув ҳолатига эга бўлиб, ҳукумат аъзолари томонидан тегишли тармоқларда қонунлар ва устувор давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботлари кам эшитиш ва муҳокама қилиш зарур даражада йўлга қўйилмаган. Шу муносабат билан қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколат вазифаларини амалга ошириш юзасидан аниқ ва самарали натижалар кўриши ва парламент назоратининг парламент ҳисоботлари ҳамда парламент фаолиятининг қонунда кўзда тутилган бошқа шаклларида кенг фойдаланиши талаб этилади. Бунда ижро этувчи ҳокимият раҳбарларининг улар

⁵ Ўша жойда. 142-143-бетлар.

⁶ Ўша жойда. 144-145-бетлар.

бевосита масъул бўлган соҳаларда қонунларнинг қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб бориш парламент фаолиятининг кундалик ишига айланиши лозим.

Учинчи вазифа – парламент томонидан “кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар”⁷ ўтказишдир.

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” принципини фаол амалга ошириш фуқароларнинг давлатни бошқаришдаги ролини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари бутун тизимини янада ривожлантириш, жумладан, сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимиятни шакллантириш жараёнига таъсирини кучайтиришга қаратилгандир. Шу муносабат билан “фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эгадир”⁸.

Тўртинчи вазифа – “атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантириш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идораларининг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларини ташкил қилиш”⁹дан иборатдир.

Шу муносабат билан экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат ноижорат ташкилотларни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган Қонунчилик палатасининг депутатлари “юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш”га даъват этилганлар.

Бешинчи вазифа – “фуқаролик жамияти институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришдир”¹⁰.

Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг ваколатларини кенгайтириш, ижтимоий назорат тизимида бошқарув органлари фаолияти устидан назорат олиб бориш механизмлари самарали амал қилишини таъминлаш ва функцияларини кенгайтириш устувор вазифа ҳисобланади. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллар) ва улар маслаҳатчиларига энг муносиб фуқаролар сайлани-

⁷ Ўша жойда. 147-бет.

⁸ Ўша жойда. 148-бет.

⁹ Ўша жойда. 149-бет.

¹⁰ Ўша жойда. 149-бет.

шини таъминлайдиган сайлов тизимини янада такомиллаштириш талаб қилинади.

Олтинчи вазифа – “фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустақкамлаш; оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш”¹¹дан иборатдир.

Бу чоралар мамлакатда амалга оширилаётган тизимли ва изчил ислохотларнинг ошқоралиги ва очиклигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилгандир. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш керак. “Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғини ривожлантириш, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимояси” жуда муҳимдир.

Бу дастурий вазифаларни бажариш:

биринчидан, “республика парламент тизими самарадорлигини оширишга жиддий таъсир кўрсатади”;

иккинчидан, “парламентдан юксак ташаббускорлик, мунтазам равишда қонуншунослик фаолияти самарадорлигини ошириш йўлларини излаш, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса, энг аввало, улар сайловда олган мажбуриятларини бажаришни” талаб этади;

учинчидан, “қонунчилик ва норматив базадаги камчилик ва нуқсонларни тезроқ бартараф этиш”ни, “ҳуқуқ-тартибот ва суд органларидан Қонун ва яна бир бор Қонунга амал этиш бўйича фаолиятларини такомиллаштириш”ни талаб қилади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, мустақилликнинг дастлабки 20 йили давомида, мавжуд муаммолар ва йўл қўйилган камчиликларга қарамасдан, Ўзбекистонда замонавий парламентаризмнинг асослари шаклланиб борди. Бу соҳада ўтказилган ислохотлар ўз мевасини бериб, парламентда ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизими шаклланиб бора бошлади, қонун ижодкорлиги борасидаги ишларда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташлана борди. Бу ҳолат айниқса қабул қилинаётган қонунларнинг янада мукамал бўлаётганлигида ўз аксини топа борди, партиалараро сиёсий курашлар авж олиб, партиалар парламентдаги манфаатларини янада кенгроқ ифода этиш учун имкониятлар яратила бошлади.

¹¹ Ўша жойда. 151-бет.

A. Саидов

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ДВУХПАЛАТНОГО ПАРЛАМЕНТА В УЗБЕКИСТАНЕ

Статья посвящена истории формирования и развития двухпалатного парламента в Республики Узбекистан. В ней прослежены этапы развития парламентаризма в Узбекистане и обоснованы основные причины перехода на двухпалатную систему.

A.Saidov

FORMATION AND DEVELOPMENT OF TWO HOUSES PARLAMENT IN UZBEKISTAN

The paper dedicated to the history and development of two Houses Parliament in the Republic of Uzbekistan. It shows the main stages of parliamentarism's development in Uzbekistan and enlightens the main reasons of transition into the two Houses system.

A. Кадыров

МОДЕРНИЗАЦИЯ И РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ МИРОВОГО ХОЗЯЙСТВА

Глобализация является движущей силой современного мирового процесса и, как всякое сложное явление, не только предоставляет новые возможности, но и приносит новые риски. Узбекистан, будучи страной с только начинающей развиваться рыночной экономикой, пока не в состоянии существенно влиять на процесс глобализации, а может лишь адаптироваться к нему, формируя конкурентоспособную национальную экономику.

В связи с этим переход к устойчивому развитию на фоне мирового финансово-экономического кризиса предполагает формирование нового уровня регулирования экономических отношений внутри страны на межгосударственном и международном уровнях. Как было отмечает Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов, «...сама жизнь еще и еще раз подчеркивает правильность и состоятельность избранной нами в

свое время собственной модели экономического развития, и реализация на основе ее принципов глубоко продуманной и взвешенной эволюционной программы реформирования и модернизации страны позволила существенно снизить воздействие кризиса, колебаний и капризов мирового рынка на нашу экономику, финансовую и банковскую системы»¹. Поэтому в условиях дальнейшей модернизации общества приоритетное место в теории и практике устойчивости развития экономики национального хозяйствования, занимают вопросы конкурентоспособности.

Успешная стратегия устойчивого развития национального хозяйства зависит прежде всего от объективной оценки реальных условий и разработки новых методологических подходов к пониманию конкурентоспособности экономической системы. Системный методологический подход, основанный на признании конкурентоспособности как обязательного фактора функционирования разноуровневых экономических систем в рыночной среде, позволяет сконструировать целостную систему модернизации национальной экономики. Становление Узбекистана как независимого государства происходит в условиях роста взаимозависимости национальных экономик. Такие тенденции на фоне изменяющегося мирового порядка выдвигают на передний план проблемы использования конкурентных преимуществ национальных экономик. Так, по определению М. Портера, «... конкурентное преимущество создается и удерживается в тесной связи с местными условиями. Структура национального хозяйства, культура, история стран серьезно влияют на конкурентоспособность отраслей, так как является источником опыта и технологии, на которых строится конкурентное преимущество»².

Динамика экономической модернизации в республике свидетельствует о дальнейшем продвижении общества в сторону экономического плюрализма, выражающегося в трансформации производственных отношений, экономических взаимосвязей, в формировании национального рынка как составной части мирового хозяйственной системы, структурной перестройке экономики Узбекистана.

Однако процесс экономической модернизации идет не просто, поскольку остро стоит задача поиска путей интеграции в мировое хозяйство с необходимостью встраивания стратегии обеспечения конкурентоспособности национальной экономики в стратегию общегосударственного развития.

Свою специфику накладывает и особенность модернизации в Узбекистане. Ведь в нашем обществе речь идет не просто о трансформации в

¹ Каримов Ислам. Все наши устремления и программы – во имя дальнейшего развития Родины и повышения благосостояния народа // Народное слово. 2011 год, 23 января.

² Портер М. Международная конкуренция: Конкурентные преимущества стран / Пер. с англ. Под. ред. Щетинина В.Д. М.: Международные отношения, 1993. – С.37.

сторону усиления конкурентоспособности экономики, а о либерализации национальной экономики; о создании новой институциональной среды и эффективной экономики. Сегодня, в условиях мирового финансово-экономического кризиса, становится очевидной необходимостью строгого научного анализа проблем взаимосвязей конкурентоспособности экономики в условиях рыночной трансформации с совокупностью объективных и субъективных факторов, определяющих конкурентные преимущества национальной экономики, и практических аспектов повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана. С учетом указанного следует отметить важность изучения конкурентоспособности экономики Узбекистана с трех точек зрения:

- как критерия экономического развития;
- как зависимой переменной от институциональной и социальной среды;
- как независимой переменной, влияющей на характер и содержание процесса экономической модернизации страны.

Для достижения поставленной цели мы считаем необходимым рассмотреть следующие вопросы.

Во-первых, определить контуры теории конкурентоспособности экономики в рамках посткризисного развития мировой экономики. Мировой финансово-экономический кризис выдвигает концептуальные требования к «устойчивости экономического развития», критерием которой и является уровень конкурентоспособности национальных хозяйств.

Во-вторых, выявить отличительные черты и особенности процесса институциональных преобразований - особенно при переходе от одной системы управления к другой, основанной на действии рыночных регуляторов.

В-третьих, охарактеризовать макроэкономические параметры конкурентоспособности экономики Узбекистана. При этом уровень конкурентоспособности рассматривается с учетом стимулирования инвестиционной активности.

В-четвертых, исследовать модель экспортоориентированного развития экономики в контексте концептуальных проблем либерализации экономики.

В-пятых, исследовать процессы экспорта рабочей силы и его влияние на повышение конкурентоспособности экономически активного населения.

В-шестых, вычленив приоритетные направления повышения уровня конкурентоспособности экономики Узбекистана, прежде всего, в рамках технологической и инфраструктурной модернизации, усиления региональных аспектов экономического развития .

В-седьмых, обосновать комплекс мер государственного регулирования механизмов конкурентоспособности национальной экономики, включающей систему стимулирования и диверсификации производства, совершенствования управления, развития и использования специальных кластерных «точек» развития экономики, повышающих ее конкурентоспособность.

Сегодня формирование и поддержание конкурентоспособности национального хозяйства и отдельных экономических субъектов выступает главной задачей всех стран в современном глобализирующемся мире. Структурные реформы в экономике, сопровождаемые процессами глобализации, имеют неравномерный характер. При этом кардинально меняются контуры финансовых и товарных рынков, рынков труда и капитала. Все это существенным образом трансформирует сложившийся характер взаимодействия институтов и структуру информационных потоков.

Учесть требования процессов глобализации возможно, только повысив конкурентоспособность предприятий, регионов и стран. Поэтому следует учитывать, что конкурентоспособность - активное состояние экономической системы, когда формируются ее конкурентные преимущества, - является основой для развития общества, которое выступает не как сообщество отдельных экономических субъектов (предпринимателей), а как единый и цельный организм, где экономическими агентами наряду с хозяйствующими субъектами-предприятиями выступают и государство, и общественные институты.

Анализ процесса рыночных преобразований в Узбекистане и его влияния на макроэкономическую динамику позволяет допустить выделение следующих основных этапов развития национальной экономики за годы трансформационного периода.

I этап (с 1991 г. до конца 1996 г.). Создание основ рынка и *последовательная* трансформация экономики. *Его особенностями*, отличающими Узбекистан от большинства других государств СНГ и Восточной Европы, были постепенный характер экономических реформ и сохранение социально-политической стабильности. Усилия правительства в первые годы реформ направлялись на создание институциональных основ и нормативно-правовой базы рыночной экономики. Были существенно изменены функции органов государственного управления и созданы условия для развития малого бизнеса и частного предпринимательства.

II этап (1996-2000). Формирование организационно-правовой базы, активное участие государства в проведении структурно-инвестиционной политики, последовательность рыночных преобразований. В Узбекистане одновременно осуществлялось решение трех


крупных сложных проблем: макроэкономическая и финансовая стабилизация; институциональные преобразования; структурные изменения.

III этап (2001-2008). Углубление рыночных реформ и либерализация экономики. Этот этап отличается в первую очередь конкретными шагами в направлении либерализации валютного рынка и налогового режима. На макроэкономическом уровне это нашло отражение, прежде всего в устойчивом росте ВВП и экспорта, а также в активизации инвестиционной деятельности.

IV этап (2008г. по настоящее время). Этап посткризисного развития национальной экономики. В рамках Антикризисной программы на 2009-2012 годы намечено привлечение инвестиций, прежде всего, за счет мобилизации внутренних источников, на осуществление ускоренной модернизации, технического и технологического перевооружения важнейших отраслей экономики, опережающее развитие транспортных коммуникаций и строительство объектов социальной инфраструктуры.

Рост валового внутреннего продукта (ВВП) Республики Узбекистан за 1991-2010 гг. увеличился в 3,5 раза, а в расчете на душу населения - в 2,5 раза, рост реальных доходов населения - в 3,8 раза. За 2008-2010 гг., т.е. в период, когда практически в большинстве стран мира имели место существенное падение темпов роста экономики и процессы стагнации производства, темпы ВВП в Узбекистане составили в 2008 г. 9,0 %, в 2009 г. - 8,1, в 2010 г. 8,5 - в текущем 2011 г. предусматривается 8,3 %³.

Одним из основных факторов экономического роста за этот период - устойчивый рост внешнеэкономических связей Республики Узбекистан (рисунок). За эти годы отмечается следующее:



Динамика внешнеторгового оборота Республики Узбекистан за 1991-2010 гг. (млн.долл) (составлено по данным Государственного комитета РУз по статистике).

³ См.: Каримов Ислам. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан // Народное слово. 2010 год, 13 ноября.

- структура экспорта значительно улучшилась за счет повышения объемов готовой продукции, а также продукции промежуточного назначения (полуфабрикатов);

- наблюдался высокий рост экспорта по продовольственным товарам, где большую долю занимает плодоовощная продукция. Сохраняется тенденция роста вывоза готовой продукции по товарной группе "машины и оборудование" за счет экспорта легковых автомобилей и электротехники, а также по текстилю и текстильным изделиям;

- в номенклатуре экспорта страны появились новые виды продукции – это изделия с использованием редких металлов, различные пищевые консервации, насосы центробежные, оборудование нефтегазовое, буровое, запасные части к нему и мн. др.

